TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 27-noyabr / CHORSHANBA / № 94 (13753)





Бахтиёр БЕГМАТОВ, Бўка тумани ҳокими

Бўка тумани:

Бугунги Бўка – кечаги аграр соҳага боғланиб қолган, юксалиш ва тараққиётнинг ҳаётбахш имкониятлари чекланган чекка қишлоқлардан иборат ҳудуд эмас. Бугун Бўка тумани бутунлай ўзгармоқда. Президентимизнинг юксак эътибори ва раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туманимиз аҳолисининг яшаш шароитларида аниқ-равшан акс этмоқда.

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

“Тошкент ҳақиқати” минбари

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил октябрь ойида Тошкент вилоятига ташрифи арафасида Бўка туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилиниб, унда 2025-2026 йилларда туман равнақи учун бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бу, шубҳасиз, бўкаликлар ҳаётига фаровонлик ва ободликнинг янги имкониятларини олиб киришга хизмат қилувчи яна бир муҳим дастуриламалдир.

(Давоми 4-саҳифада)



"Яшил Макон"

Хабарингиз бор, "Ўзбекистон–2030" стратегиясида ҳар йили 100 миллион туп кўчат экиб бориш ва республикада яшиллик даражасини тубдан ошириш мақсад қилинган. Хусусан, жорий йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғлар ташкил этиш белгиланган. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилиниб, куз фаслида 75 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, уларга масъулларни бириктириш ҳамда парваришлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ёшлар учун "Маънавият боғи"

Унга кўра, агротехник қоидаларга қатъий риоя этиш, суғориш ишларини тизимли амалга ошириш бўйича мутахассислар иштирокида илмий-амалий семинарлар ўтказиляпти. Жойларда кўчат экиш ишларини ташкил этиш учун ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароити, суғориш тизимларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, кўчат етказиб бериш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Вилоят бўйлаб

ҚИБРАЙ туманида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ишлаб чиқариш корхоналарида профилактик суҳбатлар ўтказиб, газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича зарур тавсиялар беришмоқда.



ЗАНГИОТА туманида янги сув тақсимлаш иншооти фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоот «Зарафшон» маҳалласида яшовчи бир ярим мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги 160 нафардан ортиқ хотин-қизлар фаоллари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар пойтахтдаги «Халқлар дўстлиги» санъат саройида концерт томоша қилиб, мароқли дам олиб қайтишди.



ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими аҳоли билан сайёр қабул ўтказди. Унда 200 дан ортиқ мурожаатлар тингланиб, айримлари жойида ҳал этилди. Ўрганиш талаб этадиган мурожаатлар масъуллар томонидан назоратга олинди.



ПИСКЕНТ тумани мактабгача ва мактаб таълими ҳамда фавқулодда вазиятлар бўлимлари ҳамкорликда чегараолди ҳудудида жойлашган маҳаллалардаги ёшлар иштирокида ватанпарварлик тадбири ўтказишди.



ТОШКЕНТ туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож 20 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари берилди.



БИР НУРОНИЙ ЎН ЁШГА МАСЪУЛ



2

ЛОГИСТИКА МАЖМУАСИ — ХИЗМАТДА

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш йўлида кўплаб тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда вилоятимиз имконият ва шароитлари юқорилиги билан ажралиб туради.



Президентимизнинг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам биринчи навбатда жойлардаги транспорт-логистика ва туризм инфратузилмаси муаммоларини бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-саҳифада)

Кадр ортидаги қаҳрамон

ёхуд Даврон Аҳмадни хотирлаб



3

Обуна–2025

Азиз дўстлар!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада китобхонлик маданияти газета ўқишдан бошланади!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр индекси – 205



Ёшлар учун "Маънавият боғи"



Жумладан, лойиҳа доирасида Нурафшон шаҳрининг “Қумариқ” маҳалласида "Маҳалла ёшларининг маънавият боғи" ташкил этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳаллалар уюшмаси, Маънавият ва маърифат марказининг ҳуқуқий бошқармалари ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган акция доирасида боғ учун ажратилган 8,5 гектар майдон нуронийлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалладаги ёшлар етакчилари ва фаол ўғил-қизлар иштирокида обод этилди.

– Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 апрелдаги қарорига асосан вилоятимиз маҳаллаларида деҳқончилик қилиш истагида бўлган ёшлар рўйхати шакллантирилган эди, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Нодир Ҳожиев. – Улар иштирокида “Ҳар бир ёшга ўн ниҳол” акцияси доирасида шу кунгача 58 минг 830 туп кўчат экилди. Бундан ташқари, Чиноз тумани Марказий ўйингоҳи ҳамда Спорт мактаби биносининг атрофидаги майдонга 1 минг 200 туп кўчат экилди. Эътиборлиси, кўчатлар парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш юзасидан қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган нуронийларнинг тавсияларига амал қилинмоқда.

Акцияда ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитига мос 7 минг туп-дан зиёд кўчат экилди.

Жараёнларда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Яхши хабар

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимиздаги кўргазмалар павильонида “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ўтказилди.

Унда Тошкент вилоятининг туризм ва инвестицион салоҳияти, миллий урф-одатлари, анъаналарини акс эттирувчи стенд ташкил этилди.

Ярмарка доирасида вилоятда фаолият юритаётган ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, тақдимотлар ўтказдилар.

Ярмаркада Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган 50 дан ортиқ туркомпаниялар 30 дан ортиқ хорижий давлатлар компаниялари билан сайёҳларни жалб қилиш бўйича 180 та умумий қиймати 12 млн. долларлик шартномаларни имзолашга муваффақ бўлишди.



Қувонарлиси, ярмаркада вилоят павильони энг юқори ўринга муносиб топилиб, вилоят Туризм бошқармасига BYD CHAZOR электромобили совға қилинди.

БИР НУРОНИЙ ЎН ЁШГА МАСЪУЛ

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган "Бир нуроний ўн ёшга масъул" танловининг Республика босқичига Тошкент вилояти мезбонлик қилди.





Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида иштирокчилар тантана билан кутиб олинди.

Тадбирда “Нуроний” жамғармаси республика Бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Содиқжон Турдиев, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган нуронийлар иштирок этишди.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонимизда ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кекса авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жамиятимиз ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инчунин, кўпни кўрган нуроний отахон ва онахонларнинг бой ҳаётий тажрибаси эртамиз эгалари бўлмиш ёшларнинг таълим-тарбиясида бугун ҳар қачонгидан зарур.

– Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 11 мартда имзоланган “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларига асосан ҳар йили “Бир нуроний ўн ёшга масъул” кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб бораётгани биз, нуронийларга катта масъулият юклайди, – дейди “Нуроний” жамғармасининг Қуйи Чирчиқ тумани раиси Назира Салоҳиддинова. – Тадбирда турли ҳудудлардан келган нуронийлар билан фикр алмашдик, тажриба орттирдик. Танловда нуронийлар айни кунлардаги долзарб мавзуларни театрлаштирилган ҳолда намойиш этганлари таъсирли чиқди. Айниқса, Тошкент ва Жиззах вилояти вакилларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

– Мазкур танлов бизларни бир жойга жамлади, – дейди Янгийўл туманидаги “Регистон” маҳалласи нуронийси, вилоят босқичи ғолиби Саида Мамажонова. – Маҳалламиздаги 4 минг юзта аҳолининг 1 минг 45 нафарини ёшлар ташкил этади. Эътиборлиси, маҳалламизда сўнгги йилларда жиноят ва ажримлар бўлмади. Бироқ менга бириктирилган 7 нафар ёшнинг 3 нафари бир неча йил аввал жиноятга қўл уриб қамалиб чиққан. Бугун ана шу жиноят кўчасидан чиққан 3 нафар ёш маҳалладаги тизимли ишлар натижасида олийгоҳларнинг талабасига айланишди. Яна бири субсидия асосида устахона очди, бошқаси чорвачилик билан шуғулланмоқда. Бу нафақат менинг, балки маҳалламиз фаолларининг ютуғидир.

Танловда Тошкент вилояти нуронийлари биринчи, Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи, Жиззах вилояти жамоаси учинчи ўринларни эгаллашди.

Якунда ғолиблар пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирнинг иккинчи кунида нуронийларни Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳлар бўйлаб саёҳат қилдириш режалаштирилган.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

ЛОГИСТИКА МАЖМУАСИ – ХИЗМАТДА

Хусусан, Тошкент вилоятининг Чиноз, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Зангиота туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида туризмни “Олтин ҳалқа” концепцияси асосида ривожлантириш белгиланган. Шуни эътиборга олиб, “Олтин ҳалқа”га кирувчи, гастрономик туризм бўйича пешқадам – Чиноз туманида туризм инфратузилмасини ривожлантириш йўлида навбатдаги қадам ташланди.

Мазкур ҳудуддан ўтувчи М-39 магистраль йўли бўйида “BMB HOLDING” ташаббуси билан қиймати 18 миллиард сўм бўлган “BMB Village” мажмуасининг биринчи босқичи ишга туширилди. Гастрономик, туристик ҳамда логистик қулайлик яратишда аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа “Заъфарон миллий таомлари” ресторани, хостел, автотураргоҳ, автоювиш шахобчасини ўз ичига олган.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Тошкент вилояти ҳокимлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, туризм соҳасидаги мутахассислар, ҳудуд фаоллари қатнашишди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда шу каби ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, халқаро магистраль йўллардаги инфратузилмаларни янада яхшиланишига, туризм ривожланишига, ҳудудларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ошишига хизмат қилади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2025 йил 1 январга қадар ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, унда 200 ўринли автотураргоҳ, юк машиналари ва енгил автомобилларни ювиш, уларга комплекс равишда техник хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

Бу ташаббуснинг аҳамиятли томони шундаки, Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланадиган, Ўзбекистонни Қозоғистон билан боғловчи ва “Яллама” пости орқали кириб келувчи ҳамда чиқиб кетувчи халқаро тоифадаги юк ташувчи ва енгил автомашиналар ҳайдовчилари маълум муддат тўхтаб, хавфсиз ҳордиқ чиқаришига эришишдир. Бу ерда хоҳловчилар овқатланиб, автомобилнинг техник созлигини текширувдан ўтказиш каби бир қанча хизматларни кўрсатувчи мажмуанинг ишга туширилиши ҳудуд учун жуда муҳимдир.

Холдинг томонидан мазкур андоза асосида республикамизнинг бошқа вилоятларидаги халқаро магистраль йўллар бўйида кенг тармоқли мажмуалар очиш режалаштирилган.

Тадбир давомида меҳмонлар мажмуада яратилган шароитлар билан танишишди.

Абдулазиз МУСАЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бизнинг суҳбат

Бугунги суҳбатдошимиз Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – бош шифокор Бекзод Бердиқулов.



ТАНА МУҲОФАЗАСИ – ДАРДСИЗ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

– Сўнгги вақтда тиббиёт марказига қандай касалликлардан шикоят кўпаймоқда?

– Шифохонамиз аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади. Бир нечта бўлимларимиз бор. Шифокорларимиз туну кун хизматда. Шикоятлар ҳақида гапирадиган бўлсак, масалан, ўткир миокард касалликлари ёки бош мия қон айланишининг бузилишлари (инсульт), ошқозон ичак йўллари, юқори нафас ва ўпка касалликлари бўйича мурожаатлар ортган.

– Бу нима билан боғлиқ?

– Аввало, турмуш тарзи билан боғлиқ, десак хато бўлмайди. Аҳолини тўғри овқатланиши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши анчагина касалликларнинг олдини олишда муҳим экани ҳеч кимга сир эмас.

– Юрак қон-томир билан боғлиқ касалликларнинг “ёшараётгани” одамни ўйлантиради...

– Тўғри айтасиз, аввалари бу касалликлар ёши катталарда учрарди. Бугунги кунда эса 40-50 ёш ўртасида ҳам кўп кузатилмоқда. Бу касалликларга нафақат нотўғри овқатланиш, балки ҳаётда учрайдиган турли психологик босим ва муаммолар ҳам таъсир қиляпти. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлиш, стресслардан одам ўзини асраши керак. Муаммо одамни енгиши эмас, одам муаммони енгиб яшашга ўрганиши лозим. Ҳаёт – шу! Соғлом одам ҳамма нарсага имкон топади. Шунинг учун у ўзи ва соғлиғини асраши керак. Яна шундай ҳолатлар учрайдики, бемор даволаниб чиққач, шифокор тавсияларига амал қилмайди. Дориларни вақтида қабул қилмай, эътиборсиз бўлади. Бундай ҳолатларда касаллик қайталаниши кузатилади. Кейин афсус қилишади.

– Хасталикнинг олдини олиш йўллари бордир?

– Тана муҳофазаси – дардсиз ҳаёт кафолати! Саломат яшаш ҳам бир илм. Танани ўрганиш ҳам. Менимча, ҳар бир инсон ўз организмининг физиологик ҳолатини билиши керак. Бу инсон саломатлиги ва узоқ умр кўришига катта ҳисса қўшади. Танани турли дардлардан асраш одамнинг ўзига боғлиқ. Касалликлар ёвдек бостириб келаверади. Одам ҳар 3 ой, ҳа борингки, 6 ойда тиббий кўрикдан ўтиб туриши керак. Бизда эса аксар ҳолларда, дард хуруж қила бошлагандан кейин шифохонага борилади. Бундай пайтларда асорат билан узоқ курашилади. Аслида касаллик энди бошланаётган пайтда даволаш осон бўлади. Шифокордан қўрқмай, у билан маслакдош бўлиш керак. Бир сўз билан айтганда, тиббий маданиятга жиддий қарашимиз керак.

Яқинда Сингапур давлатида бўлдик. Одамларга шундай ғоя сингдирилганки, иложи борича касал бўлмасликка ҳаракат қилишаркан. Кунига камида, 3,5-5 километр пиёда юришаркан. Муҳими, тўғри овқатланишга катта эътибор қаратишар экан. Иложи борича кимёвий маҳсулотлар истеъмол қилишмас, шифохонага ётиш жуда камдан-кам ҳолатда кузатиларкан. Бу ҳаммаси тиббий маданиятга эътибордан. Бизда ҳам буни кун тартибига киритиш керак. Ёшлигимизда турли меваларни кўп ердик. Бугун, мева истеъмоли камайгандек. Бу нима билан боғлиқлигини кўп ўйлайман. Эҳтимол, ярим тайёр маҳсулотлар, турли ичимликлар кўпаяётганидандир. Кўпайди, реклама қилинди, дегани шу маҳсулотни кўп истеъмол қилиш керак деганимас-ку! Яқинда вилоятимиз аҳолисини рўйхатдан ўтказиб, 4 гуруҳга бўлдик: соғлом, қисман касаллар, асоратлар бошланган ва оғир беморлар. Шунга қараб, муолажалар қилиняпти. Ўйлаймизки, бу чора-тадбирлар ўз самарасини беради. Энг муҳими, аҳоли саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида.

– Болалар орасида қандай касалликлар кўп учрамоқда?

– Асосан, мавсумий касалликлар билан шикоят қилишади. Салқин тушгани боис, юқори нафас йўлларининг шамоллаши, пневмония ҳолатлари, айниқса, 1 ёшгача бўлган болалар орасида кўпайди. Шу ҳолатда ҳам, тиббий маданият жуда керак. Нега деганда, бизда янги туғилган чақалоқ ва онани битта уйга киритишади. У хона “ёпилади”. На биров киради, на чиқади. Ойналар ҳам тақа-тақ беркитилади. Аслида, хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириш, болани табиатга олиб чиқиб туриш керак. Масалан, эрталабки соат 10-11 оралиғидаги ультрабинафша нурлар боланинг мияси, териси, иммунитети ривожланишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Она сутига ҳам кўп нарса боғлиқ. Она иложи борича табиий маҳсулотлар билан озиқланса, бола иммунитетига шунча яхши таъсир қилади. Баъзи оналар турли баҳоналар билан болани сунъий овқатлантиришади. Бу барибир табиий сутнинг ўрнини босолмайди. Сунъий овқатда доза миқдорини қўпайтириб ёки камайтириб қўйса, бу ҳам боланинг ривожига таъсир қилади. Бизда даволанаётган аксар бемор болаларнинг оналари эътиборсиз. Баъзи ҳолларда болага қўй думбасини шимдириб қўйишганига гувоҳ бўламиз. Думбани катта одам базўр ҳазм қилади, энди болани тасаввур қилаверинг. Ҳозир рахит касаллигига мойиллик ортаётгани ҳам ташвишли.

– Болалар турли касалликлар билан туғилишига сабаб нима?

– Масалан, деҳқончиликни олайлик. Ер қанча тайёр бўлса, экин ҳам шунча яхши ҳосил беради. Буни ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Масалан, баъзи қизларимиз жуда эрта турмуш қуриб, она бўлишади. Ахир уларнинг организми ҳали тўлиқ ривожланмаган. Ўзи болалик дунёсидан тўлиқ чиқиб кетмаган она фарзанд парваришида оқсаши аниқ. Ҳомиладор аёл икки киши учун масъул. Аввал ўзи учун бўлса, энди ҳомиласи учун ҳам. Агар у етарли витаминларни емаса, бу боласига ҳам таъсир ўтказади. Ҳомиланинг илк уч ойлик даврида жуда эътиборли бўлиш керак. Айни шу даврда организмнинг куртаклари пайдо бўлади. Айнан шу паллада онага ташқи муҳит томонидан зарар етса, бу болага ҳам таъсир қилади, у қандайдир касаллик билан туғилиши мумкин. Шунинг учун бўлажак оналарга бола парваришида нималарга аҳамият қаратиш зарурлигини ўргатиш керак. Соғлом она – соғлом бола, деб бежизга айтилмаган.

– Бугунги кунда ҳар қадамда дорихона, ҳар қадамда ошхона! Бунга қувониш керакми ёки...

– Таржимон дўстимнинг айтишича, хориждан келган тадбиркор сайёҳ мамлакатимизнинг қутлуғ гўшаларини саёҳат қила туриб, гўзалликдан роса завқланибди. Ҳузурланиб қайтишаётганда, меҳмонни бир ҳолат жуда таажжублантириб, шундай дебди:

– Бизнинг диёрда хоҳлаган кўчанга кириб, исталган йўлингда юрсанг, ҳар икки томонинг офису корхоналар билан лиқ тўлган. Келганимдан буён кузатаман, сизларнинг юртда ҳар кўчада овқатланиш шахобчалари ва дорихоналар кўп экан. Бу бир томондан қувонтирса, иккинчи томондан ташвишга солади. Бизда тамаддихоналар учун алоҳида жойлар ажратилган. Дорихоналар сони эса емакхоналардан анча кам. Сизлардаги бу ҳолатнинг боиси нима?

Мезбон сабабини айтолмай каловланиб қолибди...

Албатта, дорихоналар керак. Лекин одам дорига эҳтиёж қолдирмасдан яшаса янада яхши!

Яна бир ҳолат одамни ўйлантирадики, одамлар бирор ери оғриса шифокорга эмас, дорихоначига мурожаат қиляпти. У ҳам билими етганча тавсия қилади... Бунда уни айблаб бўлмайди. Дейлик, дорига эҳтиёжи бор одам, аввал шифокор билан маслаҳатлашиб муолажа олгани маъқул эмасми?

Ошхона масаласи алоҳида мавзу! Меъёридан ортиқ овқатланиш зарар. Майли, одам емакхоналарга борсин, кўнгли тусаганини есин. Аммо, нима истеъмол қилаётгани ва меъёрни билсин. Организмига шу фойдалими ёки йўқ! Шуни билсин.

Инсон умри, соғлиги – бебаҳо ресурс. Гап беихтиёр иқтисодга бориб тақалади. Фуқаролари соғлом юрт бой бўлади. Тараққиётда илғорлар сафида бўлади. Шунинг учун ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, саломатлик занжирини ҳосил қилишимиз даркор. Бу – ўз қўлимизда!

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур! Муштарийларимизга айтарларингиз?

– Ўзингизни асранг, соғлиғингизни эҳтиёт қилинг. Яхши яшаб, узоқ умр кўринг...

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Зикрилла МАМАТОВ
суҳбатлашди

Ёднома

Бу ёруғ дунёда ҳақиқий дўстни топиш қийин, йўқотиш эса жуда оғир. Яқиндагина ана шундай биродаримиз, Даврон Аҳмедов, фаолияти давомида Даврон Аҳмад тахаллуси билан ижод қилган таниқли фотожурналист бу ёруғ оламни тарк этди. Аминман, фақат мен эмас, кўпчилик яхши дўстидан айрилди.

Қадр ортидаги қаҳрамон

ёхуд Даврон Аҳмадни хотирлаб



Бу хабарни эшитиб, очиғи, қаттиқ изтироб чекдим. Дарвоқе, у бу йил таваллудининг 70 йиллигини нишонлаган эди. Шундай бўлсада тиним билмасди. Негадир доим ҳаракатда бўлган Даврон Аҳмадни узоқ умр кўради, деб ўйлардим. Табиат уни шундай яратган эди. Наилож, Яратган унга шундай тақдирни битган экан, кўнмай иложимиз йўқ. Беихтиёр хаёл тизгинлари у билан ёнма-ён ишлаган йиллар, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ва хотираларга олиб кетди...

Янглишмасам, Даврон Аҳмад “Тошкент ҳақиқати” газетасида 40 йилга яқин фаолият юритди. Уни таҳририятга газета масъул котиби ўринбосари Миржалол Миралиев (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) бошлаб келган эди. Ўша вақтда “Тошкент ҳақиқати”нинг таниқли фотожурналисти Александр Абалян оғир бетоб бўлиб қолган, таҳририятга сураткаш жуда зарур эди.

Эсимда, паст бўйли, ихчам гавдали, жингалак сочли, мўйлови ўзига ярашиб турган Даврон Аҳмедов уч ойлик синов муддати билан ишга олинди. Бунинг сабаби у Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг кимё фани мутахассислиги бўйича тугаллаган бўлиб, сураткашликни ҳаваскорлик ортидан эгаллаганди.

Хуллас, бўйнига “Зенит” фотоаппаратини осиб олган янги фотомухбир билан дастлабки хизмат сафарига бориш менинг зиммамга тушган. У вақтда таҳририятнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида катта мухбир вазифасида ишлардим.

Ўшанда бош муҳаррирнинг топшириғи билан икковлон Янгийўл туманидаги Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалигида ўтказилаётган вилоят пиллакорлари кенгашидан номерга репортаж тайёрлаш учун йўл олдик. Тадбир белгиланган вақтда бошланди. Одатда, бундай пайтда мухбир ўзининг ишини қилади, сураткаш тасвирга тушириш билан банд бўлади. Ташкилотчилардан мақола учун зарур бўладиган маълумотларни олдим, сўзга чиқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ён дафтарга қайд этиб бордим. Вақт тиғиз, чунки материални эртанги сонга топшириш керак.

Шу пайт қизиқ воқеа юз берди. Тадбирда қатнашган Тошкент вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Солижон Мамарасулов (Аллоҳ раҳматига олсин) “Қани, мухбир болам, бизни ҳам суратга олгинчи”, деб вилоятнинг бир гуруҳ илғор пиллакорлари билан ёнма-ён саф тортди. Газетачилар яхши билишади: бундай ҳодиса камдан-кам учрайди. Даврон Аҳмад тўрт-беш марта иштирокчиларни расмга олди. Энг масъулиятлиси, Солижон Мамарасулов кенгаш йиғилиши ҳақидаги мақолани газетанинг биринчи саҳифасига мана шу сурат билан эълон қилиш топшириғини берди.

Янгийўл Тошкентдан ярим соатлик йўл. У пайтларда йўллар тирбанд эмас. Йўл-йўлакай ёзиладиган мақоланинг режасини туздим. Мақола тахминан бир-бир ярим соатларда тайёр бўлди. Материал дастлаб бўлим мудири, кейин масъул котиб ва бош муҳаррир ўринбосари таҳриридан ўтиб, бош муҳаррирнинг столига етиб борди.

Шу пайт бош муҳаррир Нўъмон Насимов (Аллоҳ раҳматига олсин) “Мақоланинг сурати тайёрми?” деб қолди. “Ҳозир аниқлайман”, дедиму фотомухбирнинг лабораториясига қараб чопдим. У вақтларда етакчи газета ва журналлар таҳририятлари жойлашган пойтахтдаги 7 қаватли (Матбуотчилар кўчаси, 32-уй) бинонинг биринчи қаватида ҳар бир таҳририят учун алоҳида фотолаборатория хонаси ажратилган эди. “Тошкент ҳақиқати” газетаси лабораторияси” деб ёзилган эшикни тақиллатдим. Ичкаридан Даврон ака чиқиб келди. Унга бош муҳаррир суратни сўраётганини айтдим. Унинг ранги бир ҳолатда эди. Сездимки, бир нарса бўлган. Маълум бўлишича, тадбир суратлари олинган тасма “куйиб” кетибди.

“Энди нима бўлади?” деб сўрадим. У елка қисди. Нима бўлганда ҳам воқеани бош муҳаррирга айтиш керак эди. Икковлашиб унинг ҳузурига кирдик ва юз берган ҳолатни айтдик. Нўъмон Насимов: “Вилоятнинг биринчи раҳбарига буни қандай тушунтирасан?” деганча фиғони фалакка кўтарилди.

Даврон Аҳмадга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиш, менга эса “обком”нинг биринчи котибига шахсан бориб, вазиятни тушунтириб келиш топшириғи берилди. Дастлаб буни жиддий қабул қилмадим. Қолаверса, газетачилик тарихида бундай масалаларда оддий мухбирнинг вилоятнинг биринчи раҳбари ҳузурига бориши учрамаган ҳол эди. Аммо, бош муҳаррир гапни чўрт кесадиган раҳбар эмасми, топшириқни бажаришдан бошқа чора қолмади.

Даврон Аҳмад тарвузи қўлтиғидан тушганча ўз лабораториясига, камина эса “нима бўлса бўлар” деб, “обком”га (вилоят партия қўмитаси ҳозирги Олий Мажлис Сенати биносида жойлашган эди) йўл олдим. Рухсатнома ёздириб, биринчи котибнинг қабулхонасига кирдим. Мени унинг ёрдамчиси, исм-шарифи ҳамон ёдимда – Александр Раҳимов кутиб олиб, нима масалада келганимни сўради.

Унга “Тошкент ҳақиқати” газетасининг бугунги сонида вилоят раҳбари билан боғлиқ материал юзасидан маълумот беришим кераклигини айтдим. У ҳозир ахборот бераман деб, биринчи котибнинг хонасига кириб кетди. Қайтиб чиққач киришим мумкинлигини айтди. Ҳам хавотир, ҳам қўрқув билан ичкарига кирдим. Биринчи котиб хона тўридаги столда қандайдир иш қоғозларини кўздан кечириб ўтирарди. Ғайритабиий ҳолатда, одатдагидан баландроқ овозда: “Ассалому алайкум, мумкинми?” дедим.

Солижон Мамарасулов менга қараб: “Кел, кел”, деди ва ўтиришга таклиф қилди.



Мен олдиндан узр сўраб, пиллакорлар кенгашида олинган сурат билан боғлиқ воқеани айтиб, яна бир бор кечирим сўрадим ва бутун вужудим билан унинг жавобини кута бошладим. У ҳеч кутилмаганда: “Шундай бўлдими, майли, кейинги сафар яхшилаб суратга олиб чиқарарсан”, деди.

Очиғи, биринчи котибдан бундай жавобни кутмагандим, шунинг учунми бехосдан бўшашиб кетдим ва пешонамдаги терни арта бошладим. Шу пайт у ўрнидан турди-да китоб жавонидан ён дафтар ва ручка олиб: “Яхши мақолалар ёзиб юрасан”, деб қўлимга тутқазди. Қайта-қайта раҳмат айтиб, хонадан чиқдим ва таҳририятга гўёки учиб бордим.

Бош муҳаррирнинг ҳузурига кириб, бўлган воқеани айтиб бердим. Нўъмон ака: “Ростдан ҳам Мамарасуловнинг олдига кирдингми?”, деди ишонқирамай. “Ҳа, шахсан ўзи билан гаплашдим”, дедим дадил. “Унда яхши, ечим топилибди-ку”, деб суҳбатга нуқта қўйди. Шу тариқа мақола газетанинг навбатдаги сонида мавзуга оид бошқа суратлар билан чоп этилди. Энг муҳими, Даврон Аҳмад “огоҳлантириш” билан ишда қолди.

Бу воқеа мен учун ҳам, Даврон ака учун ҳам бир умрлик сабоқ бўлган эди. Мана, шунга ҳам 35 йил бўлибди. Айтиш керакки, шундан кейин Даврон ака фаолияти давомида бошқа бундай хатога йўл қўймади. Замона қаҳрамонлари ва воқеа-ҳодисалар муҳрланган юзлаб, керак бўлса минглаб суратлари “Тошкент ҳақиқати” газетаси саҳифаларида чоп этилди. Йиллар ўтган сайин Даврон Аҳмаднинг номи нафақат вилоят, балки республикамизда етакчи фотожурналистлар қаторида тилга олина бошлади.

Орада уч йил Тошкент вилояти ҳокимлигида ишлаб келдим. 1994 йилнинг август ойида “Тошкент ҳақиқати” газетасига бош муҳаррир этиб тайинландим. Яна ўн йил Даврон Аҳмад билан қадрдон жамоада елкама-елка ишладик. Бу даврда унинг кўплаб янги ижодий қирралари намоён бўлди. У оддий фотомухбирдан яхшигина мақолалар ёзадиган ижодкорга ҳам айланиб улгурди.

У тиним билмасди. Тадбирларни ёритиш учун бир кун Ангренда бўлса, эртаси куни Бўкага, индинига пахта тайёрлаш режасини бажарган Чиноз туманига етиб бориши керак бўларди. Шу тариқа ҳафтанинг ҳар бир кунида вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилаётган турли даражадаги тадбирларни суратга олиб, таҳририятга тақдим этарди. Энг муҳими, ҳаммасига улгурарди. Бундан заррача бўлса ҳам оғринмасди. Ана шундай жўшқин фаолият туфайли Даврон Аҳмад вилоят ва республика миқёсида ўтказилган бир қатор танловлар ғолиби бўлган эди.

У ҳақиқатни қадрларди, ноҳақликка чидамасди. Агар бундай ҳолатга дуч келса, фотокамерасини шунга қарши қаратарди. “Тошкент ҳақиқати” газетаси саҳифаларида эълон қилинган “Фотомухбир танқид қилади”, “Суратлар фош этади” рукнлари остида берилган фотолавҳа ва мақолалар мутасадди раҳбарларни беэътибор қолдирмасди. Ўша кезларда танқидий мақола эълон қилинган туман ва шаҳар ҳокимлари менга қўнғироқ қилиб, айримлари ўз эътирозларини билдирса, баъзилари камчилик ва нуқсонларни уч-тўрт кун ичида бартараф этилишини айтиб, мақолани эълон қилмасликни илтимос қилишарди. Албатта, буларни Даврон Аҳмад билмасди. Унинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатни қарор топтириш, камчиликни жамоатчиликка етказиш ҳаммасидан муҳим эди. У бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ана шундай ақидаларга содиқ қолди.

Даврон Аҳмад юксак одамийлик соҳиби эди десам, уни билган, таниган ҳамкасблар фикримга қўшилишади. Ундаги бундай хислатни эътиборга олиб, таҳририят касаба уюшмаси ташкилотига раис этиб сайлаган эдик. Жамоада бирон ходимнинг бошига оғирчилик тушса, ундан безовта одам бўлмасди. Қўлидан келганча ёрдам кўрсатарди. Ходимларнинг тўй-ҳашамларида хизматга ҳозир-у нозир эди. Ташкилий ишларни қойилмақом қилиб бажарарди. Бунга қўшимча равишда тадбирларни тасвирга тушириб, жамлаб алоҳида альбом шаклида тўй соҳибига совға қиларди. У бадавлат эмас эди. Лекин альбом, сурат ва бошқа харажатлар учун ҳақ олмасди. Қисталанг қилсангиз, “Биздан тўёна бўлсин”, деб қўярди.

Журналистнинг даромади катта эмас. Бундан “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририяти ходимлари ҳам мустасно бўлмаган, албатта. Касаба уюшмаси ташкилоти раиси сифатида ҳар ой олдимга “хизмат хати” билан кирарди. Уларда ходимлар учун турли озиқ-овқат, мева-сабзавот, картошка ёки бошқа маҳсулотларнинг арзонлаштирилган савдосини уюштириш тўғрисида таклифлар баён этилган бўларди. Масалани тегишли корхона, ташкилот ёки хўжалик раҳбарлари билан ҳал этилганини маълум қилиб, “Маҳсулотларни таннархида беришга розилик билдиришди, ходимларга “ҳарна” ёрдам бўлади-да”, деб қўярди. Кўп ҳолларда байрамлар муносабати билан ташкил этилган савдолардан қўшни газета ва журналлар ходимлари ҳам манфаат кўришарди.

Ушбу хотира сатрларини қоғозга тушириш асносида шахсий кутубхонамда “Тошкент ҳақиқати”да ўтган йиллар” деб номлаб қўйган папкани кўздан кечирдим. Тўғрироғи, Даврон Аҳмаднинг суратини изладим. Уларнинг орасида йиллар давомида таҳририятда ўтказилган турли тадбирлар, уюштирилган сайиллар, ҳашарлар ва пахта терими пайтида олинган юзлаб суратлар бор. Лекин ижодий жамоа ва ҳамкасблар орасида Даврон Аҳмад йўқ. Сабаби бу суратларни у олган, ўзи эса четда қолган. Аслида сураткашларга ёзилган қисмат бу. Шу маънода уларни кадр ортидаги “қаҳрамон”лар, дейилса тўғри бўлади. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, Даврон Аҳмад бу рўйхатнинг олдинги сафида туради. Зеро, у 40 йиллик ижодий фаолияти давомида Тошкент вилоятининг йигирма иккита шаҳар ва туман, шунингдек, минглаб замондошларимизнинг тарихини газета саҳифаларига муҳрлаб кетди.

Машойихлардан бири: “Инсон умри лаҳзаларининг фарзандларга, шогирдларга, атрофдагиларга ибрат бўлгани энг катта бахт”, деган экан. Назаримда, Даврон Аҳмад ҳаётнинг ана шу тамойилларига амал қилиб яшади. Кўпчиликка ибрат бўладиган меҳнат фаолиятини юритиш билан бирга, оила деган муқаддас қўрғонни эъзозлаб, эл-юрт корига ярайдиган фарзанду набираларни вояга етказди. Шу йиллар ичида кўплаб шогирдларни тарбиялаб, “устоз” деган юксак мақомга ҳам эга бўлди.

Ана шундай фидойи ва жонкуяр инсон эди, бизнинг дўстимиз. Наилож, Аллоҳнинг иродаси экан. Лекин у ўзидан яхши ном, ибратли хотира қолдириб кетди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ижодига мансуб сурат ва лавҳалар, мақола ва чиқишлар узоқ йиллар Даврон Аҳмадни ёдимизга солиб туради, ёшлар учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

Илоҳим, охирати обод бўлсин!

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

...шахсий кутубхонамда “Тошкент ҳақиқати”да ўтган йиллар” деб номлаб қўйган папкани кўздан кечирдим. Тўғрироғи, Даврон Аҳмаднинг суратини изладим. Уларнинг орасида йиллар давомида таҳририятда ўтказилган турли тадбирлар, уюштирилган сайиллар, ҳашарлар ва пахта терими пайтида олинган юзлаб суратлар бор. Лекин ижодий жамоа ва ҳамкасблар орасида Даврон Аҳмад йўқ. Сабаби бу суратларни у олган, ўзи эса четда қолган. Аслида сураткашларга ёзилган қисмат бу. Шу маънода уларни кадр ортидаги “қаҳрамон”лар, дейилса тўғри бўлади.

СУД-ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Суд экспертизаси доимий ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Сабаби у мослашувчан бўлиши ва ҳаётимиздаги ҳар қандай ўзгаришларга дарҳол жавоб бериши керак. Глобаллашув шароитида жиноий ҳаракатларни содир этишнинг янги усуллари ва воситалари пайдо бўлмоқда. Бундай ҳодисаларга ўз вақтида ва самарали жавоб бериш учун суд экспертизасининг замонавий имкониятларидан фойдаланиб, қарши туриш мумкин. Шунинг учун суд экспертидан ўз касбий фаолияти бўйича жаҳонда рўй бераётган воқеалардан, илм-фаннинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш талаб этилади.

Бу борада Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳ. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази томонидан доимий илмий изланишлар олиб борилиб, суд экспертизаларининг самарадорлигини ошириш, янги экспертиза тадқиқотлари, шунингдек, замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш, ўз фаолиятларини замон талабларига мос халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Суд-хатшунослик экспертизаси бугунги кундаги криминалистик экспертизаларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири ҳисобланади ва жиноят, фуқаролик, иқтисодий ҳамда маъмурий ишлар бўйича объектив ҳақиқатни очишга имкон беради. Суд-хатшунослик экспертизаси ҳужжатлар, қўлёзма ёзувлар ва имзоларни ўрганиш орқали жиноятларни очиш, фирибгарликларни аниқлаш ва судда ҳақиқатни юзага чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Суд-хатшунослик экспертизаси орқали олинган маълумотлар жиноятларни фош этиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилиш ва умуман, адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу экспертиза тури нафақат жиноят ишларида, балки фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларда ҳам кенг қўлланилади.

Суд-хатшунослик экспертизаси дастхат ва имзоларнинг хусусиятларини аниқлашда идентификацион, диагностик ҳамда классификацион вазифаларни амалга оширади. Идентификацион-текширилаётган қўлёзманинг, имзонинг ижрочисини аниқлаш, таққосланаётган дастхатлар ўртасида айниятнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича бошқа саволларни аниқлашга қаратилган вазифаларни амалга оширади. Диагностик вазифалар асосан қўлёзма ва имзони бажарувчи шахснинг руҳий ҳолати, ёзиш шароити, чап қўлда ёки ўнг қўлда бажарилганми, шу каби ҳолатларни ўрганади. Классификацион-дастхат ва имзо ижрочисининг ёши ва жинсини аниқлашга қаратилган вазифаларни амалга оширади.

Ҳужжат ва имзоларнинг ижрочиси, муаллифини аниқлаш билан боғлиқ саволларни ҳал этиш учун гумон қилинаётган шахсларнинг ёзув ва имзо намуналари тақдим қилиниши керак. Дастхат ва имзо намуналари 3 турга бўлинади: эркин, шартли-эркин ва тажрибавий. Намуналарнинг тури, сифати ва миқдори суд-хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари натижаларига боғлиқдир.

Шартли-эркин намуналар – иш қўзғатилгандан сўнг бажариладиган қўлёзма ва имзо намуналаридир.

Ўз қўли билан бажарилган, шу иш билан боғлиқ бўлмаган қўлёзма ва имзо намуналар – эркин намуналар ҳисобланади.

Тажрибавий (экспериментал) намуналар – ушбу намуналар имзоси ёки қўлёзма ёзуви текширилаётган шахсдан айнан экспертиза тадқиқоти учун ёздириб олинади. Ушбу намуналар 10-15 варақда тоза оқ рангли А4 форматдаги қоғозга олиниб, ҳар бир варағи иш тайинлаган орган(шахс) томонидан тасдиқланади.

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда эксперт имзо эгаси имзо намуналарини бажарилиши даврида ҳаракатининг ўзига хослиги, ёзиш тезлиги, ҳарфларнинг боғланиши, оралиғи, босиб ёзиши каби белгиларни ўрганади ва таққослайди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, тадқиқ этилаётган имзони асл нусхага солиштирилади. Албатта, асл имзо деб тақдим этилаётган намуна ҳужжатда туриши керак бўлган шахсга тегишли бўлиши лозим.

Эксперт эркин имзоларни таққослаш давомида битта нарсага эътибор қилиши керак, яъни намуналар ва тадқиқ қилинаётган қўлёзма ва имзолар бажарилиш вақтига мос келиши керак. Текширилаётган шахс томонидан бажарилган ҳужжатнинг вақтига иложи борича яқин бўлиши керак. Мисол учун, 2016 йилдаги ҳадя шартномасидаги имзо тадқиқот қилинмоқда, эркин имзо намуналари 2016 йилга яқин йиллардаги бўлиши керак. Сабаби вақт ўтган сайин инсоннинг ёзиш кўникмаси, жисмоний ва руҳий ҳолати ўзгариб боради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда электрон ҳужжатлар кўпаймоқда, лекин барибир хатшунослик экспертизаси аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ,
Ҳ. Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
маркази эксперти

Эълон

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг Тошкент вилояти Пискент тумани бўлими ГУВОҲНОМА №313 2003 йил 6 март, Зангиота тумани бўлими ГУВОҲНОМА №321 2003 йил 10 март, Қуйи Чирчиқ тумани бўлими ГУВОҲНОМА №323 2003 йил 14 июнь, Оққўрғон тумани бўлими ГУВОҲНОМА №336 2003 йил 14 март, Чирчиқ шаҳар бўлими ГУВОҲНОМА №414 2011 йил 14 июнь, Бўстонлиқ тумани бўлими ГУВОҲНОМА №416 2011 йил 14 июнь, Бекобод тумани бўлими ГУВОҲНОМА №393 2011 йил 14 июнь, Бекобод шаҳар бўлими ГУВОҲНОМАси. Юқоридаги келтирилган Тошкент вилояти ҳудудий бирлашма туман (шаҳар) бўлими гувоҳномалари йўқолгани сабабли тугатилади.

Бўка тумани: ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР



Хорижликлар билан келишиш осонмас...



Яшил чорраҳалар

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоятда кўзга кўринган 52 нафар тадбиркор тумандаги бир нечта камбағал оилаларни улар доимий даромадга эга бўлгунига қадар қарамоққа олишган. Ҳозирда 1 минг 130 нафар ишсиз фуқаро тумандаги 8 та йирик тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилди.

ЯНГИ ҚАРОР – ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишлар белгилаб олинди. Хусусан:

– ичимлик суви таъминотини яхшилашга 22 млрд. 50 млн. сўм йўналтирилади. Шундан 2025 йилда 11 млрд. 550 млн. сўм, 2026 йилда 10 млрд. 500 млн. сўм маблағ ажратилади. Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ҳозирда 74,2 фоизни ташкил этади. **Лекин, “Бешкапа”, “Даштобод”, “Қўчқорсўйган” маҳаллаларида бу кўрсаткич 50 фоиздан паст.** Юқоридаги қарорда белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида ичимлик суви таъминоти 2024 йил якуни билан 75,2 фоизга, 2025 йилда 93 фоизга, 2026 йилда 97 фоизга етказилади. Шунингдек, ушбу тадбирлар давомида 147,3 км. сув тармоқлари тортилади;

– электр таъминотини яхшилашга 10 млрд. 43 млн. сўм маблағ ажратилади. Мазкур масала ҳам тумандаги долзарб муаммолардан саналади. Келгуси икки йилда 8 дона трансформатор пунктларини ўрнатиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Белгиланган ишларни амалга ошириш натижасида тумандаги 12 та (“Даштобод”, “Қўлдоштепа”, “Ўртатепа”, “Жўраобод”, “Янги ҳаёт”, “Тошлоқ”, “Наврўз”, “Дўстлик”, “Маданият”, “Ўзбек”, “Қорақудуқ”, “Янгиқўрғон”) маҳаллада электр таъминоти яхшиланади;

– давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни таъмирлаш. Сайёр қабулларда фуқаролардан энг кўп мурожаат тушадиган масалалардан яна бири йўл инфратузилмаси билан боғлиқ. Шуни инобатга олган ҳолда келгуси икки йилда йўлларни таъмирлаш учун 12,4 млрд. сўм, кўприкларни таъмирлашга эса 3 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Шунингдек, туманда амалга ошириш имкони мавжуд бўлган умумий қиймати 133,4 млн. долларлик 40 та инвестиция лойиҳалари шакллантирилган. 2025-2026 йиллар давомида ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида жами 2,2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, қарорда умумий 100 гектар ер майдонида саноат зонаси, кўп қаватли уйлардан иборат замонавий типдаги “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш ҳам кўзда тутилган.

ҲАР БИР СЎМ МАНЗИЛЛИ

Таъкидлаш жоизки, бугун ҳудуддаги 44 та маҳаллада 135,6 минг нафар аҳоли (12,7 минг нафари 3,7 мингта камбағал оилада) истиқомат қилади.

Туманда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан суҳбатлашиб, камбағал оилалар рўйхати шакллантирилди. Мазкур жараёнларда аксарият оилаларни камбағалликдан чиқариш имкониятлари борлигига, фақат мавжуд имкониятлардан максимал фойдаланишимиз кераклигига амин бўлдик.

Бундан ташқари, туманда фаолият юритаётган 77 нафар раҳбарнинг ҳар бирига 5 тадан 10 та оила аъзоларининг 31 нафари доимий ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди, 32 нафари касб-ҳунарга ўқитиш учун мономарказларга йўналтирилди. 323 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилиб, 15 нафари туман, 3 нафари вилоят миқёсидаги шифохоналарга даволанишга ётқизилди.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоятда кўзга кўринган 52 нафар тадбиркор тумандаги бир нечта камбағал оилаларни улар доимий даромадга эга бўлгунига қадар қарамоққа олишган. Ҳозирда 1 минг 130 нафар ишсиз фуқаро тумандаги 8 та йирик тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 23 сентябрда қабул қилинган “Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорда 2024-2025 йилларда бажаришимиз керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Дастурни амалга ошириш учун 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб **“Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият”** тамойили асосида алоҳида йўналишлар тузиб чиқилди:

– барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш;

– таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш;

– кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш;

– ижтимоий хизматлардан фойдаланиш;

– яшаш шароитини яхшилаш;

– давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш;

– давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тамойиллари асосида камбағал оилалар билан индивидуал иш олиб борилади.

Йил якунига қадар камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиққанмиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **“Камбағаллик муаммосини фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оилалар аъзоларини ўқитиш, касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш муҳим”.**

Шу мақсадда, Бизнесни ривожлантириш банки “Бизнесга биринчи қадам” ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 45 млрд. сўм кредит ва субсидиялар ажратиш ҳамда “Сайхунобод” тажрибаси асосида 450 та микролойиҳани амалга ошириш ҳисобига 2 мингдан ортиқ ишсиз фуқароларни даромадли меҳнат билан банд қилиш режалаштирилган.

“Уйчи” тажрибаси асосида эса тижорат банкларининг мижозлари билан ишлаб, муаммоларини ҳал этиш ва янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали мингга яқин ишсиз фуқароларни доимий иш жойига эга бўлишларини таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, ўтказилган хатловларнинг дастлабки хулосаларига кўра, **тумандаги 44 та маҳалланинг 15 тасини (“Наврўз”, ”Маданият”, “Бунёдкор”, “Ўзбек”, “Гулистон”, “Дўстлик”, “Эзгулик”, “Янгиқўрғон”, “Хўжақўрғон”, ”Мойтепа”, ”Жағалбайли”, “Рамодон”, “Қорақўйли”, “Истиқлол”, “Ибрат”) камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш имконияти мавжуд.**

Мисол учун, “Хўжақўрғон” маҳалласида фаолият олиб бораётган “Hilol teks” корхонаси томонидан жами 60 нафар фуқарога устоз-шогирд анъанаси асосида ҳунар ўргатилиб, бандлиги таъминланди.

Шунингдек, “TNA-Agroinvest” кластери билан ҳамкорликда 60 та камбағал оиланинг томорқасида юқори даромад келтирувчи экинлар экиш йўлга қўйилди. Ушбу корхонага кооперация асосида 100 та камбағал оилани бирлаштириб, 50 гектар ер майдони бириктирилса, илғор технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Натижада, оилалар доимий даромад манбаига эга бўлади.

Яқинда “Uzteks” корхонаси томонидан “Қорақўйли” маҳалласида 250 ўринли тикув цехи ишга туширилиб, 75 та камбағал оиланинг аъзолари ишга қабул қилинди.

“Ачамайли файз барака” маҳалласида эса 400 та иш ўрнига эга “Buka Sport Wear” корхонасининг фаолияти ортидан 87 та камбағал оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, хитойлик инвесторлар томонидан жами 621 гектар ер майдонида “Қуёш фотоэлектр станцияси” қурилишига 700 нафарга яқин (шундан 150 нафари кам таъминланган оила аъзолари) фуқаро жалб қилинди.

Умуман олганда, бугунга қадар қилган ишларимиз натижаси рақамларда ҳам акс этмоқда: **камбағаллик даражаси йил бошида 13,5 фоизни ташкил қилган бўлса, ярим йилликда бу кўрсаткични 11,2 фоизга қисқартиришга эришилди. Режага кўра, йил якунига қадар 1 минг 201 та оиладаги 5 минг 912 нафар аҳолини камбағалликдан чиқариб, камбағаллик даражасини 8,9 фоизга, 2025 йил якунига қадар эса 5 фоизга туширамиз.**

БАРАКА – ҲАРАКАТДА

Туманда жорий йилнинг 9 ойида қатор йўналишларда кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланди. Жумладан, инвестиция дастурлари доирасида 10,3 млн. доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Шу билан бирга, солиқ тушумлари 65,9 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 109,1 фоизга бажарилди.

Мутахассислар билан биргаликда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли ҳаётини ўзгартириш, уй-жой, даромадли иш ўринларини яратиш бўйича кейинги беш йиллик дастурини ишлаб чиқдик. Унга кўра, шу вақт мобайнида барча соҳаларда 25 мингта янги иш ўрни яратилади, аҳоли даромади 2 баробарга оширилиб, туман камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантирилади. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқда аҳоли фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб турмуш шароитлари яратилади.

Бугун туманда 4 минг 457 та камбағал оила мавжуд. Ҳозирда туманни камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида “Сайхунобод”, “Зарбдор”, “Уйчи”, “Ғиждувон” тажрибалари асосида қарийб 1,4 минг нафар ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик лойиҳалари учун кредит ва субсидиялар ҳисобига 244 нафар фуқарони тадбиркорликка жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Дарвоқе, туманимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини инобатга олиб, қатор ҳудудларда аҳоли уйида туриб қўшимча даромад топиши учун шароит яратяпмиз. Хусусан, “Янгиобод”, “Қулдироқ”, “Эзгулик” маҳаллаларида 500 дан ортиқ хонадонда 1 минг 200 та аҳоли дуккакли маҳсулотларни қайта ишлашга жалб қилинди. Бу орқали улар қўшимча даромадга эга бўлмоқда. Мазкур тажрибани бандлик даражаси паст бўлган ҳудудларда ҳам татбиқ қилишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, келгусида “Жўраобод” маҳалласидаги собиқ учиш йўлаги жойлашган ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этиш ва 50 та лойиҳани амалга ошириб, ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга кўпайтириш, соҳада банд бўлган аҳолини 1,2 минг нафарга етказишни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, Бўка туманидан ўтувчи “А-373” халқаро магистраль йўлининг “Янги боғ” маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 50 гектар ер майдонида замонавий бозор ҳамда 100 дан зиёд савдо ва сервис объектлари ташкил этиш ва мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, бугун тумандаги бунёдкорлик, ободлик ҳар бир хонадон ва аҳоли ҳаётида ўз аксини топмоқда. Бу ҳали бошланиши. Олдинда қилинажак ишлар кўп. Асосийси, жараёнларни тўхтатмай, фақат ва фақат олға интилиш керак. Шундагина одамлар биздан рози бўлади. Аслида, мақсадимиз ҳам шу – халқимизни рози қилиш.

Бахтиёр БЕГМАТОВ,
Бўка тумани ҳокими



Олма пишганда келинг...



Бўкалик чеварлар – асл меҳнатсеварлар...



Туман аҳли Бўкани "Яшил макон"га айлантириш учун астойдил киришишган.



Симёғочнинг ҳам янгиси яхши...

Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
To‘xtamurod HASANBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:40
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6